

# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 2 (3) 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 2 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

**Юлдашев Анвар Эргашевич** – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Мавланов Уктам Махмасабирович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Хазраткулов Аброр** – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

**Ҳакимов Назар Ҳакимович** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Яхшиликков Жўрабой** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

**Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

**Ҳошимхонов Мўмин** – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

**Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна** – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Ахмедов Ойбек Сапорбаевич** – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

**Кўчимов Шухрат Норқизилович** – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

**Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна** – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

**Кучкаров Раҳман Урманович** – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

**Юнусов Мансур Абдуллаевич** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Саидов Улугбек Арипович** – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **ЮРИДИК ФАНЛАР:**

**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Эсанова Замира Нормуратовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

**Зулфиқоров Шерзод Хуррамович** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

**Хайитов Хушвақт Сапарбаевич** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Асадов Шавкат Ғайбуллаевич** – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдуллаев Шахзод Алиханович** – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

### **ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

**Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Ибрагимова Гулнора Хавазматовна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Закирова Феруза Махмудовна** – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

**Тайланова Шоҳида Зайниевна** – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Каримова Васида Маманосировна** – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Ҳайитов Ойбек Эшбоевич** – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

**Умарова Навбахор Шокировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

**Атабаева Наргис Батировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Қодиров Обид Сафарович** – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Латипова Нодира Мухтаржановна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

**Сеитов Азамат Пўлатович** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

**Содиқова Шоҳида Мархабоевна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **СИЁСИЙ ФАНЛАР**

**Назаров Насриддин Атақулович** – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

**Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич** – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

#### **Электрон манзил:**

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Полвонов Козимбек Наимович*

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1970-2022 йиллар) ..... 7-13

*Махмудова Азизахон Носировна*

ПАЛЕОЛИТШУНОСЛИК СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИДА Р. Х. СУЛЕЙМАНОВ  
ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ..... 14-21

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Kurpayanidi Konstantin Ivanovich*

MODERN DIGITALIZATION: PRIORITIES AND PROSPECTS IN THE CONTEXT OF ECONOMIC  
TRANSFORMATION ..... 22-28

*Паязов Мурод Максудович*

ДАВЛАТ ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ АСОСИДА ТЕМИР ЙЎЛ ХИЗМАТЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШДА: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР ..... 29-37

*Шохўжаева Зебо Сафоевна*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВТЕЖАМКОР СУФОРИШ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИ ..... 38-45

*Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna*

INSON KAPITALI RIVOJIGA TA'SIR QILUVCHI OMILLAR ..... 46-50

*Элбоев Бобур Ботирович*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА САВДОНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА БАНК КАФОЛАТИ ВА  
ЗАХИРА АККРЕДИТИВНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ..... 51-60

*Ermatov Akmaljon Akbaraliyevich*

O'ZBEKISTONDA MOLIVAVIY BOSHQARUV TIZIMINI RIVOJLANTIRISH ..... 61-68

*Абдуқулова Дилноза Абдукадировна*

АГРАР СОҲА ЎСИШИНИ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРГА ТАЪСИРИНИ  
СТАТИСТИК ЎРГАНИШ ..... 69-74

*Qudbiyev Nodir Tohirovich, Tojimatov Abdumutalibjon Abduqayumovich*

KORXONALARNING TIJORAT BANKLARI BILAN O'ZARO MUNOSABATLARI TIZIMINI  
TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI ..... 75-84

*Rasulova Shaxnoza Xatamovna*

XARAJATLAR HISOBINI TASHKIL ETISH VA TASNIFLASHNING IQTISODIY ANAMIYATI ..85-93

*Болтаев Нурали Шираматович*

АГРАР ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН КАДРЛАРНИ МЕҲНАТ  
БОЗОРИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ ..... 94-103

**09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ***Tulaganov Muminjon Taxtamuratovich*JAMIYATDA FUQAROLARNING HUQUQIY -SIYOSIY ONGINING YUKSALTIRISHDA  
ETNOMADANIY OMILLARNING O'RNI .....104-109*Aripov Alisher Abdumalikovich*YOSHLAR MA'NAVIY XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA MILLIY VA DINIY BAG'RIKENGLIKNING  
O'RNI .....110-117*Xabib Sattorov*

TASAVVUF TA'LIMOTIDA SHARIAT, TARIQAT, MA'RIFAT, HAQIQAT BOSQICHLARI .....118-123

*Турсинбой Султонов*

ИСТЕЪДОДНИНГ ИККИ МУҲИМ ТОМОНИ .....124-132

*Сафаров Улуғбек Турсунович*

МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИНING ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ .....133-138

**10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ***Бектурсынова Айсултан Марат кызы*М.М. БАХТИН КАК ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ЯЗЫКОВАЯ ЛИЧНОСТЬ УЧЕНОГО-ФИЛОЛОГА  
ФИЛОСОФСКОГО ТИПА .....139-145*Назарова Сайёра Азимжановна*ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕРМИНЛАРИНИ ТАРИХИЙ  
БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....146-151*Isroilova Manzura Jamolovna*BOSMA NASHRLARDA FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING LEKSIK-SEMANTIK  
TRANSFORMATSIYASI .....152-156**12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР***Утемурастов Махмут Ажимурастович*ҲУҚУҚ ИЖОДҚОРЛИГИ ТАКОМИЛЛАШУВИГА ҲУҚУҚИЙ НИГИЛИЗМ ВА ҲУҚУҚИЙ  
ИДЕАЛИЗМНИНГ ТАЪСИРИ .....157-162*Узакова Гўзал Шариповна*БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ҚАШШОҚЛИК ВА ОЧЛИКНИ  
ТУГАТИШ, СОҒЛИК ВА ФАРОВОНЛИККА ИНТИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ .....163-175*Abdixakimov Islombek Bahodir o'g'li*

SUG'URTA FRANSIZASI VA UNING TURLARI HAQIDA .....176-180

**13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ***Мамадалиева Нилуфар Баҳодировна*ЎҚУВ ФАНЛАРИ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРНИ ЎҚИТИШ ОРҚАЛИ БОШЛАНҒИЧ  
СИНФ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ОҒЗАКИ НУТҚ ВА ФИКРЛАШ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....181-185



Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари. -2023. -№ 2 (3).  
ISSN: 2181-1342 (Online)  
<https://scienceproblems.uz>

09.00.00 – Фалсафа фанлари

Сафаров Улуғбек Турсунович  
ЎЗМТДП Марказий кенгаши

### МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИНING ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

**Аннотация:** Дунёнинг глобаллашуви маданий жараёнларнинг ўзгаришига, трансформациялашувига олиб келмоқда. Трансформациялашувда ёшларнинг дунёқараши, онг-у тафаккури, ҳаётга бўлган муносабатлари тубдан янгиланди. Лекин, ушбу ўзгаришлар, биз таъкидлаётган “янги” қарашларнинг муҳим омили ҳамда ўзига хослиги нималардан иборат деган саволга ҳам жавоб топишимиз куннинг долзарб вазифасидир.

**Калит сўзлар:** Маданият, жараён, глобаллашув, трансформация, миллий, технология, техноген, макон, замон.

Сафаров Улуғбек Турсунович  
Центральный совет демократической  
партии «Миллий тикланиш»

### СПЕЦИФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ТРАНСФОРМАЦИИ КУЛЬТУРНЫХ ПРОЦЕССОВ

**Аннотация:** это приводит к изменению, трансформации культурных процессов в глобализирующемся мире. В процессе трансформации радикально обновилось мировоззрение, сознание, мышление, отношение молодых людей к жизни, это не преувеличение. Но это насущная задача дня - найти ответ на вопрос о том, что это за изменения, в чем заключается важный фактор и специфика "новых" взглядов, которые мы подчеркиваем.

**Ключевые слова:** культура, процесс, глобализация, трансформация, национальное, технология, рукотворное, пространство, время.

Safarov Ulugbek Tursunovich  
The Central Council of the Milliy Tiklanish  
Democratic Party

### SPECIFIC ASPECTS OF THE TRANSFORMATION OF CULTURAL PROCESSES

**Abstract.** this leads to a change, transformation of cultural processes in a globalizing world. In the process of transformation, the worldview, consciousness, thinking, and attitude of young people to life have been radically updated, this is not an exaggeration. But this is the urgent task of the day - to find an answer to the question of what these changes are, what is the important factor and the specifics of the "new" views that we emphasize.

**Keywords:** culture, process, globalization, transformation, National, Technology, man-made, space, time.



<https://doi.org/10.47390/1342V3I2Y2023N17>

Барчамизга маълумки, ҳаёт суръатларининг узлуксиз жадаллашуви маданий жараёнларнинг у ёки бу даражада трансформацияси - ўзгаришига олиб келди. Глобал давр бутун дунёга чексиз имкониятларни тақдим этиши билан биргаликда глобал муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Маданий жараёнлар туб моҳиятида тамаддунлар тўқнашуви, турли инсонлар дунёқарашларининг бир-биридан фарқ қилиши, ижтимоий қадриятлар орасидаги муносабатларнинг янги, ўзига хос босқичга кўтарилиши кабиларни кўришимиз мумкин.

Трансформациялашувда ёшларнинг дунёқараши, онгу, тафаккури, ҳаётга бўлган муносабатлари тубдан янгиланди. Лекин, ушбу ўзгаришлар, биз таъкидлаётган “янги” қарашларнинг муҳим омили ҳамда ўзига хослиги нималардан иборат, деган саволга ҳам жавоб топишимиз куннинг долзарб вазифасидир. Глобаллашув жараёнларида маданий жараёнларнинг трансформацияси шароитида ёшлар ахлоқи масаласи қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган ва этилмоқда.

Глобаллашув жараёнлари ва маданий жараёнлар трансформацияси бир бирига боғлиқ, бирини-бири тақозо этадиган воқеъликдир. Глобаллашув атамаси дастлаб америкалик олим Т. Левиттнинг 1983 йилда “Гарвард бизнес ревью” журналида эълон қилган мақоласида қўлланилган. Жумладан, глобаллашув иқтисодий тушунча сифатида, яъни – трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли – туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёни” [1; 24-б.], -деб эътироф этилган. Глобаллашув тушунчасига ана шу пайтдан бошлаб то ҳозиргача турлича қарашлар давом этиб келмоқда.

“Трансформация”нинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, трансформация [лот. *transformatio* – қайта ўзгариш, қайта ҳосил бўлиш (генетикада)] – хужайрага ёт ДНК кириши натижасида унинг ирсий хусусиятлари ўзгариши[2]; прокриотларда генетик материал алмашилиши усулларида бири[3;]. Ушбу тушунчалардан маълумки трансформация тушунчаси бу биринчи навбатда генетик ва биологик тушунча сифатида фанга кирган. Ахборотлашган жамиятда ахборотнинг кенг кўламда ишлатиши, унга талабнинг кескин ошиши барчанинг глобал ахборот маконига бирлашувига олиб келади. Ушбу бирлашув ўз навбатида жамият ҳаётини, хусусан маданий жараёнларни ўзгартиради. Мана шу ўринда трансформация термини ишлатиш бизнингча маъқул. Хусусан, маданий жараёнлар трансформацияси бу – инқилоб ёки катта ўзгариш эмас. Бу мавжуд маданиятнинг бошқа бир маданиятни кўринмас унсурлари натижасида мунтазам ўзгариб бориши жараёни ҳисобланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу тушунча генетик, биологик тушунча ҳисобланиб, маълум бир вирусни организмга кириб ичидан ушбу организмни ўзгартиради. Лекин, ташқарида ушбу ўзгариш сезилмади. Глобаллашув жараёнлари биринчи навбатда маданий жараёнлар трансформацияси учун замин яратади ва жамиятда маданиятлар алмашинуви рўй бера бошлайди.

Жараён – бирон нарсанинг ривожланишида ҳодиса, ҳолатларнинг бирин-кетин алмашинуви, жараён – бир натижага эришиш учун бўладиган кетма-кет ҳаракатлар мажмуи. Маданий жараён тушунчаси ўзида илм-фан, санъат, маданиятни акс эттиради.



Ушбу жараёнларда миллий қадрият ва миллий-маънавий меросни юксалтириш орқали маданиятни асслигини, миллий ўзига хослигини сақлаб қолиш имкони бўлади. Глобаллашув ва трансформация жараёнлари мутлақо янги маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда. Таъкидлаш лозимки, глобаллашув ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётнинг интенсивлашуви билан бевосита боғлиқ ҳолатда юзага келадиган жараён ҳисобланади. Бу - ижтимоий ривожланишнинг янги босқичидир ва унинг пайдо бўлиши фан-техника ютуқлари туфайлигина мумкин бўлди. У инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўлаётган кўпдан-кўп теран ўзгаришлардан таркиб топади. Мазкур ўзгаришлар ўзида маданий жараёнлар трансформациясини акс эттиради.

Маданий жараёнларнинг трансформациялашуви назарий асосларига мурожаат қиладиган бўлсак, маданий жараёнлар трансформацияси жараёнлари – биринчи навбатда жамиятнинг маънавий соҳасини бузиб ташлашга йўналтирилган деган фикрни илгари сурмоқчимиз. Чунки миллий маънавий тафаккур, миллий маънавий салоҳият жамият тараққиётини, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий омиллардан биридир. Мана шундай мафкуравий хуружлар ҳаракатида бўлган айрим ривожланган мамлакатлар саноат маҳсулотлари, ахборот ва мафкуравий таъсир кўрсатиш воситалари орқали кенг кўламдаги геосиёсат юритиш билангина чекланмай, ўз халқининг миллий табиати, маданий жараёнларига, мафкурасига хос жиҳатларни мунтазам равишда дунё халқлари турмуш тарзига, онгу шуурига сингдиришга интилоқдалар. Бу ҳол айниқса, эндигина мустақилликка эришган мамлакатлар халқининг миллий ўзлиги, маданиятининг ворисийлик анъаналарига ҳамда менталитетига путур етказиши турган гап. Миллий мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганлигидан кейин жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини эътиборга олишимиз шарт.

Маданий жараёнларнинг трансформациялашув жамият янги бир техноген маданиятни яратмоқда. Бугунги глобаллашув жараёнлари жамиятда информацион технологияларга кенг йўл очилиши билан аҳамиятлидир, ўз навбатида янги маданий жараёнларни шаклланишига замин яратмоқда. Шаклланаётган маданиятга фикрлаш услубининг ўзгариши хосдир. Янги технологиялар изчил ва мантиқий ишлайди, инонларни фикрлаш услубини абстракциянинг энг юқори – алгебраик даражасида такомиллаштиришга мажбур қилади. Эмоционал бой геометрик фикрлаш тарзи ўз-ўзидан сиқиб чиқарилади. Психологлар фикрига кўра, ривожланган мамлакатларда “эйдетизм”, яъни хотиранинг нарсалар ва ҳодисалар ёрқин образларини сақлаб қолиш қобилияти йўқолиб боради. Табиий тил ўз хусусиятлари – кўп маънолилиги, турли бўёқларга бойлигини, ранг-баранглиги йўқотила бошланади. Компьютерларнинг алгоритмик тили инсонни метафизик фикрлашга, унинг диалектик томонидан кўра, формал-мантиқий томонига кўпроқ аҳамият беришга ўргатади. Инсоннинг интуицияси сусаяди, фикри ўтмаслашади, ижод қилиш қобилияти ҳисобга олинмай қўйилади. Жамоага компьютерларнинг «парчаловчи» таъсири, «компьютер элитаси»нинг

ажралиши кузатилади, инсоннинг муайян фойдали кўникмалари, асрлар мобайнида тўпланган “касб сирлари” ва маҳоратнинг йўқолиши содир бўлади.

Айни вақтда, янги технологиялардан фойдаланувчиларни оғир ноижодий ишдан халос этиб, уларнинг ижодий қобилиятлари ривожланиши учун кенг имконият яратади, инсондан ўз зарарли одатларидан воз кечишни, касбий билимлари, маънавий фазилатлари, умумий маданиятини оширишни, ўз фикрини аниқ таърифлашни талаб этади. Буларнинг барчаси инсоннинг феъл-атворида муайян тарзда акс этади. Унинг меҳнатга нисбатан масъулияти ортади, меҳнатнинг ўзи ҳам интеллектуал жиҳатдан бойийди, ўз мажбурий хусусиятини йўқотади, шахс ўз қобилиятини эркин намоён этувчи майдонга айланади. Компьютерлар одамларда мустақил ўқиб билим олиш қобилиятини ривожлантиради, уларга юзага келган масаланинг оқилона ечимини топишни ўргатади. Аста-секин инсоннинг машина билан алоқаси маданияти шаклланади. Бу алоқа жараёнида машина билан фойдаланувчи интерфаол терминал ёрдамида ва маълум қоидаларга биноан ўзаро ахборот алмашади. Мана бу жиҳатлар бутунлай янгича маданиятни яратади, яъни ўзига хос тартиб-қоидаларга эга бўлган техноген маданият яратилади.

Умумий олганда, фалсафий жиҳатдан “Маданият” тушунчаси “миллий-умуминсоний”, “анъанавий-замонавий” жуфтликлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда идрок этилади. Маданий ранг-баранглик масаласи айни шу жуфтликлар доирасида ёндошувни тақозо этади. Бундай ёндошувнинг вужудга келиши инсоният тараққиётининг турли жабҳалари билан боғлиқ қатор ижтимоий, маданий-тарихий жараёнлар билан боғлиқ. Зеро, жамият тараққиётининг қайси жабҳасини олманг, бу ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-демографик соҳа бўладими, бундан қатъи назар, барчасида милли-маданий унсур доимо иштирок этади.

Маданий жараёнларни трансформациялашуви билан жамият ёт бўлган диний йўналишдаги миссионерлик ва прозелитизм каби иллатларнинг ҳам кириб келиши билан характерлидир. Ушбу салбий омиллар глобаллашув шароитида маънавий-мафкуравий таҳдид воситаси бўлиб, энг аввало жаҳондаги муайян маълум бир кучларнинг геополитик мақсад манфаатларига йўналтирилган ҳолатда олиб борилмоқда. Иккинчи томондан, халқнинг миллий маънавияти, урф-одат ва анъаналари, миллий менталитети диний таълимот билан боғлиқ бўлиб, миссионерлик ва прозелитизм халқнинг миллий ўзлигидан бегоналашувига, манқуртлашувига, давлатнинг ички ҳаётида миллий, диний, ижтимоий зиддиятларнинг чуқурлашувига сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришда миллий ўзига хосликнинг асосий ғояларини ёшларимиз онги-тафаккурига сингдиришга, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини юксалтириб мафкуравий иммунитетни шакллантириш масаласига асосий эътибор қаратилмоқда. Халқимиз маънавиятини асраш ва уни юксалтириш, айниқса, ёш авлодни турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан, бир сўз билан айтганда, маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги глобал сиёсий ўзгаришлар шароитида ҳаётнинг маънавий асосларининг инқирози ҳам фожеали тус олмоқда. Маданий жараёнлар трансформациялашувида ушбу “оммавий маданият” ниқоби остидаги ахлоқий

бузуқлик, зўравонлик ҳамда қатор салбий ғояларни тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик ортириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларини йўқ қилишга қаратилган хатарли таҳдидлар юрт тараққиёти ва ватан равнақини ўйлаган ҳар бир фуқарони ташвишга солади. “Оммавий маданият” таъсирига тушиб қолган “йўқолтилган авлод” муаммоси файласуфларнинг диққат марказидаги муҳим муаммолардан.

Шу ўринда яна қайтиб глобаллашув тушунчасига эътибор қаратмоқчимиз. Олимларнинг фикрига кўра, глобаллашув – жаҳон тараққиётининг асосий тенденцияларидан биридир. Савдо ва ишлаб чиқариш, иқтисодий, молиявий алоқаларнинг дунё миқёсида ғоят кучайиши, тезлашиши глобаллашувнинг вужудга келишига замин яратди. Глобаллашув – иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларнинг ҳаддан ташқари интенсивлашуви, энг янги ахборот технологиялари ва умуман ахборотнинг жаҳон миқёсида шиддат билан тарқалиши, халқаро стандартлашув ва маиший турмушда, истеъмолда, шу жумладан, номоддий истеъмолда умумий қолип ҳамда андозаларнинг пайдо бўлишидир[4; 11-б.].

Глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонларини, хусусан, ижобий томони – у халқларнинг, давлатларнинг, миллий маданият ва иқтисодиётларнинг яқинлашишини тезлаштиради, уларнинг ривожланиши учун янги имкониятлар очадиган бўлса, салбий томони эса - кўп минг майда, қолақ этник гуруҳлар ва миллатларнинг маданияти, тили, расм-русмлари жаҳон бўйлаб кучайиб бораётган глобаллашув жараёнларида катта миллатлар, йирик миллий маданиятлар, бой тиллар билан рақобатлаша олмай, ўз-ўзидан фаол ижтимоий-иқтисодий, лисоний-забоний ҳаётдан четга чиқиб қолмоқда[5; 70-71-б.].

Хозирги пайтда глобаллашувнинг катта аҳамият қозонишида бир қанча технологиялар яратган имкониятлар натижасида коммуникация ва ахборот алмашувининг соддалашиши, коммунизм ғоясининг йўқ бўлиши каби сиёсий жараёнлар, мамлакатлараро юк ташувлар миқдорининг кўпайиши ва туризмнинг ривожланиши каби муҳим рол ўйнайди. Бу эса мос равишда, компаниялар учун янги бозорлар очиб, уларга ривожланиш имкониятини яратди. Маданият ва қадриятлар алмашинуви натижасида истеъмол турлари кенгайди, янги хом ашё манбалари очилиб инвестиция жараёни кенгайди.

Глобаллашув натижасида алоҳида мамлакатлар жаҳон ҳамжамиятига боғланади. Оқибатда, янги капитал бозори, валюта бозори, суғурта бозори ва турли янги ахборот тизимлари, интернет, уяли алоқа каби воситалар пайдо бўлади. Булар эса, ўз ўрнида, янги контрол воситаларисиз амалга оширилмайди. Бугунги кунда иқтисодий ҳамкорлик, интеллектуал мулк, интернетдан фойдаланиш соҳаларида янги халқаро меъёрий ҳужжатлар яратилиб, дунё давлатларининг қонунчилиги ҳам уларга мослаштириб борилмоқда.

Глобаллашув – давлатларнинг ва сиёсий ҳамжамиятларнинг табиатини ҳам трансформация жараёни ҳисобланади. Замонавий дунёда уни ажратиб турувчи ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, миллий хусусиятлари ва улар билан боғлиқ бўлган мамлакат ичидаги ва мамлакатлараро зиддиятлардан қатъий назар, бир томондан, глобал таҳдидлар ва иккинчи томондан, жаҳон ҳамжамиятининг барча ташкил

этувчиларнинг узаро боғлиқликлари шароитида ўсиб бораётган глобаллашувнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ижобий оқибатлари акс этмоқда.

Глобаллашув ривожланган мамлакатлар билан энди тараққиёт йўлга кирган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда тенглик ўрнини, иқтисодий жиҳатдан тараққий қилган мамлакатларнинг дунё сиёсатини белгилаб берувчи куч даражасига қўтарилиши, уларнинг ўз маънавият, маданият ва ахлоқларини оммавий маданиятнинг негизига айлантириш борасида олиб бораётган амалий ҳаракатларини ҳам ифодалайди.

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув маданий жараёнларнинг трансформациялашувига сабаб бўлади. Чунки унинг макон ва замонда содир бўлиш хусусиятлари турлича бўлиб дунёнинг ўзгаришига ўтказаетган таъсирида ҳам янги - янги имкониятлари намоён бўлмоқда. Глобаллашув тушунчаси ўзида маданий жараёнларнинг трансформациялашувини яратувчи ўзига хослик сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Албатта, маданий жараёнларнинг трансформациялашуви ёшларга таъсири масаласи бугунги куннинг алоҳида долзарб ва муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Бу борада кейинги чиқишларда эътибор қаратишни мақсад қилганмиз.

#### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Зокиров Б. Глобаллашув зиддиятлари. Тафаккур. // Ж. 1-сон, 2004. 24-б.
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki/трансформация>.
3. <https://kartaslov.ru/> значение-слова/трансформация
4. Эркаев.А: Глобаллашув: ахборот хуружи ва оммавий маданият. // Тафаккур. 2008, 4 - сон. 11-б.
5. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. - Т.: Шарқ, 2006. - 70-71- б.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 2 (3) – 2023

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).